

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУРАУФ АБДУЛЛАЕВ, ҚИЁМИДДИН МУФТАЙДИНОВ,
ХАБИБУЛЛО АЙБЕШОВ**

КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган*

**Иқтисод фанлари доктори, профессор Абдулазиз Сотволдиев
умумий таҳрири остида**

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ»—2003

А. Абдуллаев, Қ. Муфтайдинов, Х. Айбешов. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент, «Молия» нашриёти, 2003 йил. 192 б.

Ушбу дарслик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Менежмент» йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш давлат стандартлари асосида тайёрланган.

Дарсликда асосий эътибор кичик бизнесни ривожланиши давр талаби эканлигига, муваффақиятли фаолият кўрсатишда бошқаришнинг ўрни беқиёслигига қаратилган. Дарсликда кичик бизнесни бошқаришнинг назарий ва методологик асослари атрофича ёритилган, кичик бизнесни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, кичик бизнесни бошқаришда бизнес режа ўрни ўз аксини топган.

Дарслик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи барча кичик бизнес ходимлари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари талабалари ва бизнес мактаб тингловчилари ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Тақризчилар: **М. Охунов** — иқтисод фанлари номзоди, доцент
Г. Бозорова — иқтисод фанлари номзоди, доцент

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академиясининг
«Молия» нашриёти, 2003.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ўзининг ижобий самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг беришини баҳолаш ҳамда 2003 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз» нутқида республика иқтисодиётини барқарорлаштиришда кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни беқиёс эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Охирги йилларда республикаимизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш борасида маълум бир ижобий ютуқларга эришилмоқда. Лекин бу борада айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, бунинг асосий сабаби тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган шахслар уни нимадан бошламоқ кераклигини, қандай ташкил этиш зарурлиги, бошқариш сирлари, бизнес режанинг аҳамияти ҳақида тўла тасаввурга эга эмас эдилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда яратилган «Кичик бизнесни бошқариш» номли ушбу дарслик юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим бир қадамдир.

Дарслик Давлат таълим стандартлари бакалавр 340200-«Менежмент» йўналиши намунавий дастури асосида ёзилган бўлиб, «Менежмент» йўналиши андозаларига мос келади ва унга бобдан иборат. Унинг биринчи боби кичик бизнесни бошқариш курсининг назарий ва методологик асосларига бағишланган. Унда тадбиркорлик ва бизнес тушунчаси, унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, республикада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кичик бизнесни ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уни давлат томонидан қувватланиши масалалари ёритилган.

Дарсликнинг иккинчи боби кичик бизнесни бошқариш масалаларига бағишланган. Унда кичик бизнесни ташкил этиш, кичик бизнесда тадбиркорлик фаолиятини танлаш, тадбиркор-

ликда ҳамкорлар билан муносабатлар, банкротликдан чиқиш йўллари, кичик бизнесда меҳнатни ташкил этиш каби масалалар ёритилган.

Унинг учинчи боби кичик бизнесда бизнес режа деб аталиб, унда турли мулкчилик шаклларида бизнес режанинг аҳамияти ва назарий асослари, бизнес режа тузилиши; унинг бўлимлари, таваккалчиликни баҳолаш, корхонанинг молиявий режаси, сизгирлик таҳлили, рақобатбардошликни баҳолаш каби масалаларга бағишланган.

Дарслик илк бор ўзбек тилида тайёрланган бўлиб, ўқувчилар учун тушунарли тилда ёзилган. Мавзулар ёритилишида миллий қадриятлар, анъаналар ўз аксини топган.

Ї БОБ. КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ КУРСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнесни бошқариш курсининг назарий асослари

1.1.1. Кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳақида тушунча ва унинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ўрни.

1.1.2. Кичик бизнесни бошқариш курсининг объекти ва мавзуси (предмети).

1.1.3. Кичик бизнесни бошқариш фанининг мақсади ва вазифалари.

1.1.4. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

1.1.1. Кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳақида тушунча ва унинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ўрни

Одатда кичик бизнес ҳақида гап юритилганда, кўпроқ биз кичик ва хусусий тадбиркорликни тушунамиз. Бунинг яққол исботи сифатида «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини ҳам олишимиз мумкин.

Бугунги кунга келиб республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида «Тадбиркорлик», «Тадбиркор», «Бизнес», «Бизнесмен» каби терминлар кенг қўлланила бошлади. Уларнинг мазмун ва моҳиятини англаш маълум бир маънода кичик бизнес ҳақида тасаввурни шакллантиради.

Тадбиркорлик ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Мазмуни ва моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатади.

Тадбиркорлик тушунчаси XVI асрдан бошлаб иқтисодчилар, рухшунос ва сиёсатшунослар фикрини ўзига жалб эта бошлади. Ж. Б. Сэй, А. Маршалл, В. Зомбрамб, Й. Шумпетер, Ф. Нойтлар тадбиркорликнинг илмий асосчилари ҳисобланади.